

# ТИЛ, АДАБИЁТ, ТАРЖИМА, АДАБИЙ ТАНҚИДЧИЛИК: ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВЛАР ВА ИСТИҚБОЛЛАР

ҳалқаро илмий-амалий анжуман материаллари

## ТЎПЛАМИ

2022 йил 15 апрель



Бухоро

## ИНГЛИЗ ШЕЪРИЯТИДА ЎСИМЛИКЛАРНИНГ ИНСОН ИЖТИМОЙ СТАТУСИНИ ИФОДАЛАШДА ҚўЛЛАНЛИШИ

Джалилова З.Б.

БухДУ, Инглиз адабиёти ва стилистика  
кафедраси ўқитувчиси

Шеърятда ўсимликлар инсон ташки кўриниши, хусусиятлари, рухий ҳолати билан бирга унинг жамиятдаги ўрнини ҳам ифодалашга хизмат қилиши маълум бўлади. Инглиз шеърятда атиргул, нилуфар, бинафша, ясмин, чиннигуллар зодагон аёлларни; лавр, эман, нилуфар, палма жамиятда мавқеи юқори бўлган эркаклар тимсолини тасвирлашда фойдаланилса, амариллис, мойчечак, гул, дарахт ҳамда бегона ўтлар оддий кизлар ва йигитларни тасвирлаш учун қўлланилган. У.Шекспир 94 сонетида олий табақа вакиллари ўзларини энг яхши, энг латофатли билиб, атрофдагилар мактовидан завкланишларини тасвирлайди. Бироқ агар шу ширин гул, нилуфар, ёмон амаллар қилса, унда у чирий бошлайди. Бундай нилуфар гулидан оддий бегона ўт афзалроқ эканлиги таъкидланади.

The summer's flower is to the summer sweet,  
Though to itself, it only live and die,  
But if that flower with base infection meet,  
The basest weed outbraves his dignity:  
For sweetest things turn sourest by their deeds;  
Lilies that fester, smell far worse than weeds.

Шекспир турли ижтимоий гуруҳларга мансуб инсон тасвирини анча ўраб, маҳорат билан тасвирлаган бўлса, Эндрю Марвелнинг “The Garden” (“Боғ”) деб номланган шеърда айрим инсонларнинг жамиятда ғалаба, ҳокимият, қудрат ва шон-шавкат ортидан югуришини ачинаб тилга олади. Маълумки, шеърда келган палма (palm), эман (oak), лавр (bay) инглиз, умуман, Европа маданиятида чуқур тарихга эга дарахт ва буталар бўлиб, ҳар бири рамзий маънога эга.

Манбаларда келтирилишича, “The mythologies of all nations are full of them; and in all times they have been associated with the soldiery, the governments, and the arts. Thus the patriot was crowned with Oak; the hero and the poet with Bay”, яъни “Барча халқлар улар ҳақидаги мифларга бой ва улар ҳар доим ҳарбийлар, ҳокимият ва санъат билан боғланган. Шундай қилиб, ватанпарварлар эман гулчамбари, қахрамон ва шоирлар лавр гулчамбари билан тақдирланганлар”. Бу уч дарахт орасидан эман юнон маъбуди Зевс учун муқаддас саналган бўлса, римликлар Юпитер болалигида айнан шу дарахт остидан паноҳ топганига ишонишган.

Шоир инсонлар (эркаклар) ғолиб, қудратли ва шон-шарафли бўлишга тинмай ҳаракат қилганда, барча гуллар ва барча дарахтлар, яъни оддий аёлу эркак сокин кузатишларини таъкидлаган.

How vainly men themselves amaze  
To win the palm, the oak, or bays,  
And their uncessant labours see  
Crown'd from some single herb or tree,  
Whose short and narrow verged shade  
Does prudently their toils upbraid;  
While all flow'rs and all trees do close  
To weave the garlands of repose.

Томас Кемпиэн “Amaryllis” (Амариллис) шеърда аслзода хонимлардан кўра оддий қишлоқ аёлларини (амариллисни) афзал кўришини анча очик усулда изҳор этади.

I care not for these ladies that must be wooed and prayed;  
Give me kind Amaryllis, the wanton country maid.  
Nature Art disdaineth; her beauty is her own.

Her when we court and kiss, she cries: forsooth, let go!  
But when we come where comfort is, she never will say no.  
If I love Amaryllis, she gives me fruit and flowers;  
But if we love these ladies, we must give golden showers.  
Give them gold that sell love, give me the nut-brown lass.

Шоир зодагон хонимлар ўз муҳаббатини олтин-тиллolarга сотишлари мумкинлиги, бойликни хис-гуйғуларидан устун кўйишларини айтар экан, кишлокнинг содда кизларига бундай хусусият ёт эканлигини, улар муҳаббатга меҳр ила жавоб қайтаришини таъкидлайди.

Амариллис пнэздан (илдиз) унадиган, кўқариши осон гул саналади. Боғбонларнинг фикрига кўра, амариллис инжик бўлмаган, осон ўсадиган гул ҳисобланади. Айнан шунинг учун ҳам шоир соддадил кишлок кизларини шу гул номи билан номлаган.

Бу гулнинг яралиши билан боғлиқ юнон афсонаси бор. Унда бу гул номи Амариллис исмли киз номига бориб боғланиши айтилган. Алтео ҳажрида рухан эзилиб, юрагини олтин ўк билан жароҳатлаган бу кизнинг конидан очилган кизил тусли Амариллис гули аслида 1800 йилда гиппеаструмнинг гибриди эканлиги аниқланган.

“To A Mountain Daisy” (Тоғ мойчечагига) шеърида Роберт Бўрнс ўз даври жамиятини тасвирлар экан, инсон тақдирига унинг жамиятдаги ўрни ёхуд табақаси қанчалик таъсир қилиши ҳақида гапирди. Роберт Бўрнс мойчечак (маргаритка) гулини инсониятнинг тақдири билан таққослайди, уни инсон каби жонлантириб, инсон даражасида, одамзод яратган дунё даражасида акс эттиради.

Бир қатор танқидчиларнинг фикрига кўра, ушбу шеър шоирнинг ўз ҳаётини намоён этган. Роберт Бўрнс 1786 йилда Жин Армор исмли аёлдан эгизак фарзандли бўлади. У аёлнинг хомилдорлиги ҳақида кеч билади, лекин иктисодий муаммолар туфайли у билан турмуш қуришдан олдин чет элда пул топиб келишга қарор қилади. Кетишидан олдин Жинга уйланиш ваъдасини ифодаловчи ҳужжат тайёрлайди. Лекин Жиннинг отаси ушбу ҳужжатдаги исмларни ўзгартириш ёки умуман ўчириб ташлашни ўз ҳуқуқшуносидан илтимос қилади. Ҳужжатга зарар етказилиши айнан “ To A Mountain Daisy” (“Тоғ мойчечагига”) шеъри ёзилган пайтга тўғри келади. Шундан хулоса қилиниши мумкинки, мойчечак (маргаритка) гули аслида Жин ва унинг тақдирини ифодалаб келган.

Wee, modest, crimson-tipped flow'r,  
Thou's met me in an evil hour;  
For I maun crush among the stoure  
Thy slender stem  
To spare thee now is past my pow'r,  
Thou bonie gem.

Келтирилган мисоллардан маълум бўладики, гул ва дарахт номларини ифодалаб келувчи фитонимлар шахснинг жамиятдаги ўрни ҳамда ижтимоий статусини ифодалашда қўлланилади.

#### Фойдаланилган адабиётлар

1. Ingram J. (n.d.). *Flora Symbolica or the language and Sentiment of Flowers*. – London: Frederick Warne and Co. – P.21.
2. Mercatent A.S. *The Magic Garden: The Myth and Folklore of Flowers, Plants, Trees and Herbs*. – New York: Harper and Row, 1986. – P.23.
3. <https://www.gardeners.com/how-to/amaryllis-care/5410.html>;
4. <https://www.amaryllis.com/pages/amaryllis-planting-and-care>
5. <https://www.poetryfoundation.org/poems/50657/i-care-not-for-these-ladies>
6. <https://www.poetryfoundation.org/poems/45100/sonnet-94-they-that-have-power-to-hurt-and-will-do-none>

Курбонова Шахло Шухратовна. “1984” ВА “ЛОЛАЗОР” РОМАНЛАРИДА ТАРИХИЙ МУҲИТ, БАДИИЙ ҒОЯ ВА КЎПҚАТЛАМЛИЛИК.....	328
Бозоров Ориф Чаманович. ЭПИСТОЛЯР РОМАНДА ПСИХОЛОГИЗМ.....	331
Истамова Гавҳар Хайруллаевна. ШАРҚ ВА ҒАРБ АДАБИЁТИДА РОБИАИ АДАВИЯ ОБРАЗИ.....	333
Эрдонов Зафар Дампинович. РЕАЛИЙЛАРНИНГ ЗУЛФИЯ АСАРЛАРИ ТАРЖИМАЛАРИДА БЕРИЛИШИ.....	336
Иботова Насиба Комилловна. МИРЗО АБДУЛҚОДИР БЕДИЛ ФАЛСАФАСИ ТАҲЛИЛИ.....	329
Ҳалимов Салоҳиддин Самиевич. ЭДГАР АЛЛАН ПОНИНГ ҲИКОЯНАВИСЛИКДАГИ БАДИИЙ МАҲОРАТИ.....	341
Бердиева Зебо Ўраловна. ЛИРИК ТАСВИР ВА ИФОДАДА МЕТОНИМИЯ.....	344
Жумаев Элмурод Бекпулатович. АДАБИЙ-БАДИИЙ АНЪАНАЛАР ВА РОМАН СПЕЦИФИКАСИНИ ЯНГИЛАШ ЖАРАЁНИ (М.Алининг “Улуғ салтанат”, Н.Қобулнинг “Темурийлар” романлар силсиласи мисолида).....	348
Бердиева Назира Ўраловна. М. М. ДЎСТ ҚИССАЛАРИДА РЕАЛ ВОҚЕЛИКНИНГ БАДИИЙ-ПСИХОЛОГИК ТАЛҚИНИ.....	351
Шукурова Сабоҳат Одиловна. СТЕЙНБЕК ВА НАЗАР ЭШОНҚУЛ ҲИКОЯЛАРИНИНГ ҒОЯВИЙ-ПОЭТИК ЎЗИГА ХОСЛИКЛАРИ.....	354
Рўзиева Дилфуза Салимбоевна. ТАРИХИЙ КОНТЕКСТ ВА ФАЛСАФИЙ-ИЖТИМОИЙ ҒОЯВИЙЛИК МУАММОСИ.....	356
Аманова Юлдуз Хуррамовна. БАДИИЙ МАТНДА ИЖТИМОИЙ-АХЛОҚИЙ МУАММОЛАР.....	359
Халилова Дилбар Жалиловна. ЖАҲОН АДАБИЁТИДА ЖИНОЯТ ВА ЖАЗО МОТИВИ.....	362
Саидмуродова Соҳиба Жолмуродовна. ШАХСЛАРАРО МУНОСАБАТЛАРДА ДРАМАТИК ВА ТРАГИК ОБРАЗЛАРАРО МУРАККАБ ҲОЛАТЛАРНИНГ ПСИХОЛОГИК ТАЛҚИНЛАРИ.....	364
Kutlieva Mukhayyo Gulomovna. MODERN METHODS IN FOREIGN LANGUAGE TEACHING METHODOLOGY.....	367
Ganiev Fazliddin. PECULIARITIES AND DIFFERENCES OF FRENCH, UZBEK AND RUSSIAN FABLES: IDEOLOGY AND IMAGE ANALYSIS.....	368
Ismailova Sitora. XXI ASR AMERIKA SHOIRASI RITA DAVNING “ON THE BUS WITH ROSA PARKS” SHE`RIDA INTERTEKSTUALLIK MARKERLARI.....	371
Isroilova Nargiza. ANALYSES OF THE NOVEL “ADVENTURES OF HUCKLEBERRY FINN” BY TWAIN.....	373
Кенджаева Гулрух Фаттиллоевна. МЕТОД ПЕРЕДАЧИ НЕПОЛНОГО ЭКВИВАЛЕНТА ФРАЗЕОЛОГИЧЕСКИХ ЕДИНИЦ В ПЕРЕВОДЕ.....	375
Кенджаева Гулрух Фаттиллоевна. АНАЛИЗ ПАРЕМИОЛОГИЧЕСКИЙ ЕДИНИЦ И ИХ ПЕРЕВОДА В РОМАНЕ А. КАДИРЫ «МИНУВШИЕ ДНИ».....	376
Xushvaqt Umurova. ENGLISH WEDDING CEREMONY AND ITS LEXICON.....	378
Ахмедова Сарвиноз Ҳикматовна. ФОЛЬКЛОРДА ҲАЙВОНЛАРНИНГ КЎМАКЧИ ОБРАЗИДА НАМОЁН БЎЛИШИ.....	380
Джалилова З.Б. ИНГЛИЗ ШЕЪРИЯТИДА ЎСИМЛИКЛАРНИНГ ИНСОН ИЖТИМОИЙ СТАТУСИНИ ИФОДАЛАШДА ҚЎЛЛАНИЛИШИ.....	382
Naydarova Nargiza Gulomjonovna. KANNINGEM MAYKLNING “SOATLAR”(“THE HOURS”) ASARIDAGI SUIQASDLIK VA DEPRESSIYA HOLATINING IFODALANISHI.....	384
Norova Mokhitobon Fayzulloевна. THE SPECIFICITY OF FRENCH FOLK TALES.....	386
Isroilova Nargiza Xolmurod Qizi. DESCRIPTION OF SETTING AND FICTION IN ANGELA CARTER’S WORKS.....	388